



## ЭСТРАДА ХОНАНДАЛИГИ САНЪАТИ ВА УНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТДАГИ АҲАМИЯТИ

**Юсупов Асадбек Олимжон ўғли**

*Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги*

*Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада*

*санъати институти 2 курс талабаси*

*Илмий раҳбар: Эстрада хонандалиги кафедраси*

*доценти в.б*

**Бойбабаев Д.М**

**Анотация:** Ушбу мақолада эстрада санъатининг йўналишлари ва унинг ўрганишда профессионал хонандаларга доир керакли бўлган жихатлар ва тавсиялар тўғрисида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** эстрада, тарбия, ижодий фаолият, бадий образ, танловлар, психологик ва ижодий алоқа, томошабин.

Эстрада санъати — бу халқнинг маданий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган, мусиқа, шеърят ва сахна ижросини ўзида мужассам этган санъат туридир. У нафақат кўнгилочар восита, балки жамиятнинг эстетик тарбияси, миллий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Эстрада хонандалиги — бу санъатнинг энг ёрқин йўналишларидан бири бўлиб, унда хонанданинг овоз қобиляти, сахнадаги ҳаракати, образ яратиши ва тингловчи билан эмоционал алоқа ўрнатиши муҳим ўрин тутди. Замонавий эстрада хонандалари нафақат мусиқий ижро, балки ижтимоий таъсирга эга шахслар сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Ушбу мақоламизда эстрада хонандалигининг педагогик, ижодий ва маданий жихатлари тўғрисида фикр юритдик. Шунингдек, хонандаларни тайёрлашдаги муаммолар ва ечимлар, замонавий тенденциялар ҳамда миллий эстрада санъатининг ривожланиш истикболлари кўриб чиқилди. Эстрада хонандалиги — бу замонавий мусиқа санъатининг энг оммабоп йўналишларидан бири ҳисобланади. У нафақат кўшиқ ижроси, балки сахна маданияти, образ яратиш ва томошабин билан мулоқот қилиш маҳоратини ҳам ўз ичига олади. Эстрада хонандаси овоз имкониятлари, талаффуз, ритм ҳисси ва актёрлик қобилятини уйғун равишда намоён эта олиши керак. Бугунги кунда эстрада ижрочилари нафақат мусиқа, балки маданий тарбия, эстетик дид ва миллий қадриятларни тарғиб қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли профессионал эстрада хонандалиги узлуксиз машқ, мусиқа таълими ва сахна тажрибасини талаб қилади.



Замонавий эстрада хонандалари турли жанрларда ижод қилиб, миллий ва жаҳон мусиқа услубларини уйғунлаштирмоқда. Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова миллий ва замонавий мусиқани уйғунлаштирган ҳолда катта мухлислар аудиториясига эга бўлган санъаткорлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, эстрада хонандалиги йўналишида профессионал таълим олган таниқли бастакор Дилором Амануллаеванинг шогирдлари Ўзбекистон халқ артисти Севара Назархон халқаро майдонда ўзбек мусиқасини тарғиб қилган хонандалар қаторига қиради. Эстрадада ҳар бир хонанда ўз услубини шакллантиришга интилади. Бу эса мусиқа бозорида рақобатбардошликни оширади ва ижодий янгиликларга тўртки беради. Президентимиз томонидан илгари сурилган ёшларга оид давлат сиёсатида ҳам — давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимли равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан ёш эстрада хонандалари ҳам бу эътиборга жавобан юртимизда ва хорижда ўтказиб келинаётган турли телевизион танловлар ва лойиҳалар орқали ўз исътедодларини номоён этиб ўз мухлисларига эга бўлиб келмоқда. Бу хонандаларга Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти битирувчилари Афруза (Дилафруз Рустамова), Шохрух Эргашев, Ноила Хабибуллаева, Хожиакбар Рўзметов, Анатолий Назаров каби ижрочиларни мисол келтиришимиз мумкин. Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтида ҳам ёш эстрада хонандаларини профессионал тарзда билим олишлари учун талайгина диққатга сазовор бўлган ишлар амалга оширилган ва давомий олиб борилмоқда. Профессионал эстрада хонандаси учун зарур бўлган касбий кўникмаларни эгаллашлари учун “Эстрада хонандалиги” кафедраси профессор ўқитувчилари томонидан яратилган ўқув қўлланмалар ва дарсликлар биз талабалар учун қатор қулайликлар яратмоқда. Ушбу ўқув адабиётларидан фойдаланган ҳолда биз талабалар билим малака кўникмаларимизни ошириб хонандалик сирларини тизимли тарзда ўрганиб бормоқдамиз. Ўрганишларимиз жараёнида биз шунга амин бўлдикки

Эстрада хонандалигини ўзига касб қилиб олган хонандалар қуйидаги муҳим кўникмаларга:

Кучли ва назорат қилинган овоз  
Саҳна ҳаракати ва бадиий образ  
Мусиқа назариясига оид билимларни билиши



Томошабин билан психологик ва ижодий алоқа  
Жонли ижро маҳорати каби кўникмаларга эга бўлиши  
лозим ҳисобланади.

Ушбу кўникмаларни шакллантириш мақсадида институтимизда турли танловлар ва конкурслар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек турли олий таълим ташкилотларида ўтказилиб келинаётган маънавий маърифий тадбирларда ҳам иштирок этиш талабаларни томошабин билан мулоқот ва жонли ижро малакаларини шакллантиришларида ва ривожлантиришида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бунинг натижа ўлароқ кўплаб талабаларимиз турли нуфузли танловлар ва конкурсларда ғолиб бўлиб келаётганлиги фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Эстрадада муваффақият қозониш учун ёш хонандалар мунтазам машқ қилишлари, мутахассислик фани ўқитувчилари билан ишлашлари ва замонавий мусиқа тенденцияларини ўрганишлари зарур. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали ўз ижодини тарғиб қилиш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Эстрада хонандалиги — бу фақат кўшиқ қуйлаш эмас, балки ижод, меҳнат ва санъатга бўлган садоқатни талаб қиладиган мураккаб ва шарафли касбдир. Хонандалик санъати балки қайси соҳа бўлмасин ўз устида тинмай ишлаган ўрганувчи албатта ўз мақсадига етади. Унинг натижалари тез юзага чиқмаслиги мумкин лекин меҳнат ва талабчанлик барибир ўз мевасини беради. Шундай экан биз талабалар юртимизда ёшларга берилаётган алоҳида эътиборга жавобан ўз ютуқларимиз ва изланишларимиз билан юртимиз раънақига ҳисса қўшишимиз лозим! Зеро эстрада санъати орқали ўз тенгдошларимизни ватанпарварлик руҳида шаклланишлари ва камол топишлари учун маънавий озуқа берувчи сифатида иштирок этишимиз мумкин. Хулоса қилиб айтганда мусиқа санъатининг турлари ичида энг оммалашган тури эстрада хонандалиги — бу ижод, меҳнат ва истеъдод уйғунлиги асосида шаклландиган, инсон қалбига таъсир кўрсатувчи ва маданият ривожига хизмат қилувчи санъат туридир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли қонуни
2. М.Умаров “Эстрада ва оммавий томошалар тарихи” Тошкент 2009 йил Янги аср авлоди нашриёти талабалар учун дарслик
3. Интернет сайтлари <https://uz.wikipedia.org/wiki/Estrada>